

Пудрат шартномаси

(Жорий таъмирлаш)

0509-2022-176 -сон

2022 йил "26" "05"

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Сурхондарё минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор **А.Бокиев** бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган **КАFOLAT-NUR-FAYZ MCH** номидан Низом асосида иш кўрувчи : **Ў.Холнёр** иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сонли "Обод кишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастуриларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора тadbирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Сурхондарё вилояти туман (шаҳар) хокимликлари тасарруфида бўлган ички хўжалик йўлларида Республика бюджет маблағлари хисобидан таъмирлаш ишлари бўйича 2022 йил учун дастлабки 05.04.2022 йилги №12 Манзилли дастурига асосан ҳамда, 23.05.2022 йилдаги №78619 сонли лот Протокол қарори **2022 йилда РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҳисобидан таъмирланиши белгиланган Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани Нурли диёр МФЙ Қўрғонча кучасини жорий таъмирлаш (Шагал коплама) га** доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Таърифлар

1.Мазкур шартномада тарифлар қўлланилади:

"ижро ҳужжатлари": - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятлик конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

"қурилиш майдони": Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

"вактинчалик ишлар": Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар тилидаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

"беркитилган ишлар": - сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига лойиха-смета ва экспертиза хулосасига келишилган муддатларга асосан **Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани Нурли диёр МФЙ Қўрғонча кучасини жорий таъмирлаш (Шагал коплама)** ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (23.05.2022 йилдаги №78619 сонли лот Протокол қарори) билан тасдиқланган баенномага асосан барча солиқлар, йиғимлар, ККС ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **160 000 000 (бир юз олтинчи миллион) сўми** ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

-қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

-ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартirilганда;

-объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартirilганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегиншли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга "1а" иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг қучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ тегиштириш;

- "1" иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш оморга жойлаш ва саклаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

-объектда тасдиқланган лойихага мувофиқ қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;

- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишига қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари.

анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиши:

қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий йўл қурилиш сифати техник назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига "16" иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб: кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва аниқланган муддатда ишларни тўлиқ якунлайди..

12. Қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **60 кунни ташкил этади.** (бажариш графигига асосан)

13. Мазкур шартнома бўйича ишларнинг муддати ҳамда бажариладиган ишлар, ишларни бажариш жадвалига (1а-илова) мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорига, аванс ўтказиши.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (16-илова)

16. Буюртмачи ва Пудратчи ҳар ойда бажарилган ишларини "Маълумотнома-ҳисоб-фактура"га асосан молиялаштирилади. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 70 % гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган қафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорига, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вазифини – Техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади. Аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича барча чораларини кўради, мунтазам равишда олиб борилаётган ишлар юзасидан Буюртмачи маъсул ходимларини ёзма равишда хабардор қилиб боради.

21. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник кузатувчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йўналишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялари ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жалваларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачининг ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг маишаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар бажаришнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга тугаш кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бериши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тавом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг шиддан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) аке эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бериши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосан равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқлашни таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзига келтирган вақтда муносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиши олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлиқдир.

XI. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектнинг фойдаланишга таъсирини тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун муддатида қабул қилиб келинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиш тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади. Объект томонининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан ўзининг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларнинг нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатишган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужжалик судга мурожаат қилишини исбатсиз этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кечиктирилган ҳолда;

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун ҳужжатларида мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчи томонидан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхтовга қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун ҳужжатларида мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади. Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома беради.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатлар бўлган мустаसно.

XIV. Тизимларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Тизимлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролар кодексида, "Хўжалик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликни тўрғайди.

59. Мазкур шартномага тағйин қилинган ишларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштириш ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 % миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўшма бажарилган хизматлар қийматининг 30% фонздан ошмаслиги лозим.

Пеня ҳақида Буюртмачининг шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномасининг жорий қийматининг 50% фонздан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан тағйин қилинган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% фоиз миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50% фонздан ошмаслиги керак.

Пудратчи бажарини графинида 2021 йил учун белгиланган иш хажми қийматининг бажармаган қисмидан Буюртмачига 1 фоиш миқдориди жарима тўлибди.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилиш Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош торттиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20% фоиши миқдориди ундириш ҳуқуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланган пеня билан қоплашмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал қилмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзмамалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатсиз, субпудратчиларнинг ташқари, бирин-бир ушунчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгаришлар ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ҳолатнинг томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномага назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2ъ нусхада тузилди.

72. Мазкур шартнома 2022 йил 26.05.2022 йилдан амал қилади.

Буюртмачи:

Пудратчи:

“Сурхондарё миятқавий йўллари
буюртмачи хизмати” давлат унитар
корхонаси

KAFOLAT-NUR-FAYZ MCH

Термиз шаҳар Олмазор кўчаси 42-уй

Манзил: Жарқургон тумани Дехқонобод ҚФЙ

Тел: 221-26-35 Факс: 21-19-23

Хамкор банк Сурхондарё филиали

х/р: 20208000804918279001

ИНН: 304985647 ОКОНХ: 70220

МФО 01001 ИНН: 301850216

Ш/х: 30452186022217045129118012

ОКОНХ: 71280

Фазначилик бўлими м.номи: Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилиги
Фазна: х/в 2340200030103001010

ХККМ Тошкент ш. М. 00014

Фазначилик бўлими И. 22919

Директор

А.Божиев

Директор

Ў.Холиёров

Ушбу шартнома мазмунига амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос ҳолда тузилган.

26.05.2022 йил

Ф.Тураев

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани Нурли диёр МФЙ Қургонча кучасини жорий таъмирлаш (Шагал коплама) объектининг _____ сонли шартномасига - илова

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани Нурли диёр МФЙ Қургонча кучасини жорий таъмирлаш (Шагал коплама) объектининг _____ сонли шартномасига - илова

МОЛИЯЛАШТИРИШ ГРАФИГИ

1	2	3 Шу асрадаги ойлар												16	
		4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15		
Издик иш хажмининг ажратилган аванс маблағи	2022 йил					48 000 000,0									48 000 000
Ажратилган аванс маблағининг ойлар буйича тақсимланадиган қисми	2022 йил					48 000 000,0									48 000 000
Ажратилган аванс маблағини инобатга олиб, бажарилган ишларни молиялаштиришга ажратилган маблағ	2022 йил					112 000 000									112 000 000
Жами	2022 йил		0	0		160 000 000	0,0	0,0	0,0	0	0	0	0	0	160 000 000
Жами молиялаштириладиган маблағ															

Буюртмачи



Пудратчи



Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани Нурли дёёр МФЙ Қургонча қучасини жорий таъмирлаш (Шагал қоплама) объектининг _____ сонли шартномасига - илова

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани Нурли дёёр МФЙ Қургонча қучасини жорий таъмирлаш (Шагал қоплама) объектининг _____ сонли шартномасига - илова

БАЖАРИШ ГРАФИГИ

№	Амалга оширилган ишлар	Йиллар	2022 йил												Объектининг умумий қиймати
			1-квартал			2-квартал			3-квартал			4-квартал			
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	
1	Қурилиш-монтаж ишлари	2022						160 000 000,0							160 000 000
	Жами		-	-	0,0		0	160000000	0	0		-	-	-	160 000 000

Буюртмачи



Пудратчи



[Handwritten signature]

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 78619 на приобретение Қумқўрғон тумани Нурли диёр МФЙ Кургонча кучасини жорий таъмирлаш (Шагал коплама)

Способ проведения электронный

Дата 23.05.2022

Время рассмотрения 20.05.2022 08:36

Конкурсная комиссия Surxondaryo mintaqaviy yo`llarga buyurtmachi xizmati DUK (Qumqo`rg'on) Fond-2020, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Бош мухандис	Сурхондарё МЙБХ
Секретарь комиссии	RAXIMOV SOBIR XUDOYBERDIYEVICH	Булим бошлиги	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O'G'LI	Бош мутахассис	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Бош мутахассис	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	UMAROV SANJAR INOTOVICH	Лойиха бўлим бошлиғи	Курулиш
Член комиссии	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O'G'LI	Булим бошлиқ	Сурхондарё МЙБХ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 23.05.2022 года № лота 78619.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Қумқўрғон тумани Нурли диёр МФЙ Кургонча кучасини жорий таъмирлаш (Шагал коплама)
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	160 320 000.00
Стартовая сумма	160 320 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Бинарное значение

Описание: "Иштирокчининг банкидан картатека йуклиги хакида маълумот, Солик органларида солиқдан карзи йуклиги тугрисида тасдиқланган маълумот, Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги Иш ҳақи фонди 20 млн. сўм Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффиценти 1,25 ва ундан кўп Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффиценти Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 %гача

миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма мабла

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
KAFO LAT-NUR-FAYZ MCHJ	20	1	20	Экспертная		
ООО SURXON SERVIS BARAKA	20	1	18	Экспертная		
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	20	1	18	Экспертная		
"SURXONDARYO YQT" MCHJ	20	1	18	Экспертная		

Критерий №2 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Бинарное значение

Описание: "Охирги 3 йил давомида Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N- Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш. "

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
KAFO LAT-NUR-FAYZ MCHJ	20	1	20	Экспертная		
ООО SURXON SERVIS BARAKA	20	1	18	Экспертная		
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	20	1	18	Экспертная		
"SURXONDARYO YQT" MCHJ	20	1	18	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Бинарное значение

Описание: Танловда иштирок этувчи ташкилот хақида умумий маълумот гувоҳномаси, СОҶАВИЙ ҚУРИЛИШ-ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИда автомобил йуллари ва куприкларда рейтинг курсаткичи мавжудлиги.Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги.5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар).Ишлаб-чикариш техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломи 1 та мутахассисни мавжудлиги.Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги.Ходим

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
KAFO LAT-NUR-FAYZ MCHJ	20	1	20	Экспертная		
ООО SURXON SERVIS BARAKA	20	1	18	Экспертная		
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	20	1	18	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
" SURXONDARYO YQT" MCHJ	20	1	18	Экспертная		

Критерий №4 Машина ва механизмлар рўйхати

Тип: Бинарное значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 5 та дан кам бўлмаган? Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги қурилиш техникаларининг баллари 30% камайтирилади). Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
KAFOLAT-NUR-FAYZ MCHJ	20	1	20	Экспертная		
ООО SURXON SERVIS BARAKA	20	1	18	Экспертная		
MCHJ SURXON-YO`L-RAVNAQI	20	1	18	Экспертная		
" SURXONDARYO YQT" MCHJ	20	1	18	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
" SURXONDARYO YQT" MCHJ	160 320 000.00	152 697 143.00	16.05.2022 14:52:03	19.95
MCHJ SURXON-YO`L-RAVNAQI	160 320 000.00	159 000 000.00	16.05.2022 12:47:11	19.16
KAFOLAT-NUR-FAYZ MCHJ	160 320 000.00	160 000 000.00	13.05.2022 15:13:48	19.04
ООО SURXON SERVIS BARAKA	160 320 000.00	152 304 000.00	14.05.2022 17:08:25	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
" SURXONDARYO YQT" MCHJ	72	19.95	91.95
MCHJ SURXON-YO`L-RAVNAQI	72	19.16	91.16
KAFOLAT-NUR-FAYZ MCHJ	80	19.04	99.04
ООО SURXON SERVIS BARAKA	72	20	92

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 78619 от 23.05.2022 года на приобретение Кумқўрғон тумани Нурли диёр

МФЙ Кургонча кучасини жорий таъмирлаш (Шагал коплама) определила победителем:

KAFO LAT-NUR-FAYZ MCHJ
301850216

и резервный исполнитель: ООО SURXON SERVIS BARAKA (302980932)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Согласен	
Член комиссии	UMAROV SANJAR INOTOVICH	Согласен	
Член комиссии	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Сурхондарё вилояти

190100, Termiz shahri , Taraqqiyot ko'chasi, 42-uy, Termiz shahri, AT "Tyron" bank Tel-Fax:
(376)-22-3-24-87, 22-3-06-42, 22-3-24-75 Mail: surxonekspertiza@mail.ru www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Doniyorov Anvar Abdullayevich

Sana:14-04-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 36694

Obyekt nomi «Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on tumani "Nurli diyor" MFY Nurli diyor qishlog'i xududidagi ichki yo'llarni "Obod qishloq va Obod maxalla" dasturi asosida 2022 yilda joriy ta'mirlash ishchi loyixasi bo'yicha»

Buyurtmachi - "Surxondaryo viloyati mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati" DUK

Bosh loyihachi - "Termiz bino inshoot ko'prik yo'l loyixa" MChJ

Litsenziya AL-001973 sonli 22.11.2021 yilda O'zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirligi tomonidan berilgan

Moliyalashtirish manbai - Byudjet mablaglari

Bosh pudratchi - Tanlov savdo natijalariga ko'ra aniqlanadi

Qurilish turi Joriy ta'mirlash

Murojaat raqami: № 36568

1. Loyihalash uchun asos

1.1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 18-martdagi PQ-172-sonli "Obod-qishloq" va "Obod-maxalla" dasturlarini amalga oshirish chora-tadbirlari tug'risidagi qarori.

1.2. Qumqo'rg'on tuman hokimi o'rinbosari tomonidan kelishilgan va buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqsonlar qaydnomasi.

1.3. Buyurtmachining tomonidan 2022 yilda tasdiqlangan loyihalash uchun topshiriq.

1.4. Surxondaryo viloyati avtomobi yo'llari xududiy bosh boshqarmasi va Surxondaryo mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati DUK tomonidan 2022 yilda tasdiqlangan qurilish ishchilarining ish haqi, mashina va mexanizmlarning ekspluatatsiyasi, tovarlarni tashish, qurilish materiallari, pudratchining boshqa xarajatlari narxlari kelishuv bayonnomasi.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

ShNK 1.03.01-16 talablariga mos ravishda ishlab chiqilgan ishchi loyiha.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

Ushbu loyiha, Surxondaryo viloyati Qumqurg'on tuman "Nurli diyor" MFY Nurli diyor qishlog'i xududidagi ichki yullarni "Obod qishloq va Obod maxalla" dasturi asosida joriy ta'mirlash maqsadida amalga oshirish rejalashtirilgan.

Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqsonlar qaydnomasiga asosan, joriy ta'mirlashda ko'chalar kesimida:

- Qo'rgoncha ko'chasi L=385 m b-4,5; Qo'rgoncha-1 ko'chasi L=535 m b-4,0; Suv tegirmon ko'chasi L=1330 m b-3,5-4,0; Nurli diyor-1 ko'chasi L=1121 m b-5,0; Nurli diyor-4 ko'chasi L=320 m b-4,0; quyidagi ishlar, saralangan QShA dan tekislovchi qatlam yotqizish va ustidan bitum sepish hamda mayda donali issiq asfaltobeton qoplamadan N-5 sm qalinlikda qoplama yotqizish.
- Qurg'oncha ko'chasi L=240m b-4,0 m Shodlik ko'chasi L=680m b-4,0m bo'lib, saralangan QShA dan tekislovchi qatlam yotqizish va M-300 beton 18 sm qalinlikda qoplama qurish va 10 sm kalinlikda QShA dan qoplama chetlarini mustaxkamlash.
- Gulzor-1 ko'chasi L=560 m b-4,0m; Gulzor ko'chasi L=1620 m b-3,5-4,0m; At-Termiziy ko'chasi L=235 m b-4,5m; At-Termiziy-1 ko'chasi L=580 m b-4,5m; Amir-Temur-1 ko'chasi L=210 m b-4,0m; Amir-Temur-2 ko'chasi L=525 m b-4,0m; Amir-Temur-3 ko'chasi L=700 m b-4,5m; Buri bulok-1 ko'chasi L=550 m b-3,5m; Buri-bulok-2 ko'chasi L=740 m b-4,0-4,5m; Suv tegirmon-2 ko'chasi L=480 m b-3,0m; Suv tegirmon-3 ko'chasi L=315 m b-3,0m; Suv tegirmon-4 ko'chasi L=285 m b-3,0m; Nurli diyor-2 ko'chasi L=545 m b-3,0m; Nurli diyor-3 ko'chasi L=1360 m b-4,0m; Qurg'oncha-2 ko'chasi L=625 m b-4,4m; Qurg'oncha-4 ko'chasi L=465m b-4,0m ; Qurg'oncha-5 ko'chasi L=515 m b-3,5-4,0m; kismlariga saralangan QShA dan 20 sm qalinlikda asos qatlam yotqizish ishlari ko'zda tutilgan.

4. Qurilish ishlarning davomiylik muddati

QTL taqvimiy jadvaliga ko'ra qurilish davomiylik muddati 4 oyni tashkil qiladi.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Ekspertiza jarayonida (lokal) ekspert xulosaning izohlariga muvofiq ishchi loyixani quyidagi asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi:

- resurs ko'rsatkichlarining narxi (mashinalar va mexanizmlarning ishlashi transprot harajatlari, materiallar) buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan narx kelishuvi bayonnomasi mavofiq to'g'irlandi.
- Qurilish tashkillashtirish loyixasi va buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan loyixalash topshirig'i taqdim etildi.

6.2. Qurilish narxi sarxisobi:

Taqdim etilgan loyixani qurilish ishlari qiymati QQS (qo'shimcha qiymat solig'i) bilan- **3 349 074.458 ming so'mni** tashkil qilgan bo'lib, ekspertiza natijasiga ko'ra, taqdim etilgan qiymati **77 395.697 ming so'm** miqdorida kamaytirilib **-3 271 678.761 ming so'mga** tasdiqlash uchun tavsiya etildi, shu jmladan:

- QMI.....- 2 709 464,812 ming.so'm,
- QQS.....- 406 419,722 ming.so'm,
- buyurtmachining boshqa xarajatlari.....-155 794,227 ming.so'm.

Ob'ektning umumiy qiymati ichida ko'chalar kesimidagi qiymati, ming.so'mda

N	Yo'llarning nomi	Smeta bo'yicha jami	Shu jumladan buyurtmachi BX
1	Kurgoncha kuchasini L-0,920	368 054,202	17 526,391

2	Suv tegirmon kuchasini L-1,330 km	490 257,948	23 345,617
3	Nurli diyor kuchasini L-1,441 (662 060,830	31 526,706
4	Gulzor kuchasini L-2,180km	253 101,436	12 052,449
5	At-Termiziy kuchasini L-0,815km	78 180,734	3 722,892
6	Amir Temur kuchasini L-1,435km	179 231,133	8 534,816
7	Kurgoncha kuchasini L-0,240 km	174 746,027	8 321,239
8	Shodlik kuchasini L-0,680 km	495 113,786	23 576,847
9	Buri bulok kuchasini L-1,290km	133 137,091	6 339,861
10	Suv tegirmon kuchasini L-1,080 km	95 354,499	4 540,690
11	Nurli diyor kuchasini L-1,905	174 105,259	8 290,727
12	Kurgoncha kuchasini L-1,605km	168 335,815	8 015,991

Ko'payishga buyurtmachi xarajatlarining tugirlanishi va ayrim qurilish materiallari narxlarini aniqlashtirish natijasida erishildi.

6.3. Ushbu joriy ta'mir ishchi loyihasi buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqsonlar qaydnomasiga asosan tekshirildi va "Shaxarsozlik hujjatlari ekspertizasi" DUK nuqsonlar qaydnomasida keltirilgan ish xajmlarining haqqoniyliigi va asosligiga javobgarlikni o'z zimmasiga olmaydi.

6.4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 17-sentabrdagi 579-sonli qarorining 7- ilovasiga muvofiq.

- yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugaganidan so'ng nazorot o'lchovi natijalari asosida aniqlanadi;
- ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan xujjatlarining to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchliligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyixa yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

7. Xulosalar.

7.1. Ekspertiza natijalarini xisobga olgan xolda "Surxondaryo viloyati Qumqurg'on tuman "Nurili diyor" MFY Nurli diyor qishlog'i xududidagi ichki yullarni "Obod qishloq va Obod maxalla" dasturi asosida 2022 yilda joriy ta'mirlash" ishchi loyixasi bo'yicha joriy ta'mirlash ishchi loyixasi bo'yicha qiymatini kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya qilinadi.

7.2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003 yil 6 martdagi 261 sonli qaroriga va ShNK 04.01.06-09 asos tavsiya qilinayotgan qiymati pudrat shartnomasi tuzish uchun asos bo'la olmaydi va erkin tanlov savdosining boshlang'ich qiymatini yakuniy aniqlash huquqi buyurtmachi zimmasiga yuklatiladi.

Bosh mutaxassis: Soatmurodov Boxodir Allamurodovich